



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2019 йил 24 октябрь, № 220 (7450)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саноатни ривожлантириш, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга мунтазам етказиб бериш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш ҳажми, прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот берди. Қайд этилганидек, шу вақт мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 234,7 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиз ўсган. Унинг 6,5 фоизи иқтисодиёт “драйвери” — ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келган.

Хусусан, автомобилсозликда катта ўсиш суръатлари таъминланган. 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан енгил автомобиль ишлаб чиқариш ҳажми 40 фоиз, юк машиналари 33 фоиз, автобус 3,8 марта, автомобиль двигателлари 45 фоиз ошган.

Бошқа тармоқлар бўйича олганда, трикотаж мато ишлаб чиқариш 26 фоиз, чарм маҳсулотлари 22, цемент 18, кабель ўтказгичлар 23, истеъмол товарлари ҳажми қарийб 16 фоиз ўсган.

Худудлар кесимида энг яхши кўрсаткич Андижон, Наманган, Хоразм, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг кичик бизнес ривожига эътибори, бу борада қабул қилинган Фармон ва қарорлари самарасида юртимизда тадбиркорлик муҳити тубдан яхшиланди. Буни жорий йил бошидан буён жами

72 минг 400 та, саноат тармоқларида 16 мингга яқин янги кичик бизнес корхоналари ташкил қилинганида ҳам кўриш мумкин. Жами кичик саноат корхоналари сони 2018 йилнинг шу давридагига нисбатан 25 фоиз кўпайган.

Тадбиркорларнинг саноатдаги улуши ҳам сезиларли ортмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида кичик бизнес корхоналари томонидан жами 81 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу жами саноат ишлаб чиқаришининг 34,5 фоизини ташкил қилади.

Саноат ривожини экспорт ҳажмининг 24 фоиз кўпайишини таъминлади. Жумладан, енгил автомобиллар экспорти 3,3 марта, автобуслар 2 баробар, юк машиналари 1,5 марта, трансформатор ва аккумуляторлар 2,7 марта, кабель ўтказгич маҳсулотлари 2,2 баробар, пойабзал 2,1 марта ошган. Тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари 25, трикотаж мато 31, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари 38, озиқ-овқат маҳсулотлари 14, рангли металллар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 45, қора металлдан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 54 фоиз ошган.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига саноат тармоқларидаги ҳолатни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, худудларнинг

саноат салоҳиятини янада оширишга туртки берадиган тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда нефть-газ тармоғидаги ишлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди. Сўнгги йиллардаги кенг қамровли институционал ислохотлар доирасида нефть-газ тармоғида бошқарув самарадорлигини ошириш ва тизимни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Бу борада соҳадаги айрим муаммолар, белгиланган лойиҳаларни амалга оширишдаги камчиликлар муҳокама қилинди. Йил якуни бўйича эҳтимоли бўлган қоқоқликлар ўрнини тўлдириш, шунингдек, 2020 йилда нефть, нефть маҳсулотлари, табиий ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлаш прогнози кўрсаткичларини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Бунда углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари, аҳоли ва экспортга ёқилгини узлуксиз етказиб бериш, технологик сарф-ҳаражат ва йўқотишларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Энергетика вазирлиги ва нефть-газ тармоғи корхоналари раҳбарларига нефть маҳ-

сулотлари, табиий ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳамда уларни иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига етказиб бериш прогнози кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди. Шунингдек, куз-киш мавсумига тайёргарлик кўриш, жалб қилинаётган маблағларни мақсадли ишлатиш, нефть-газ маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш учун қўшимча захираларни шакллантириш, қудуқлар кесимида қазиб чиқариш ҳажмини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш юзасидан мутасаддиларга шахсий жавобгарлик юкланди.

Мазкур вазифаларни мувофиқлаштириш учун Ҳисоб палатаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар раҳбарларидан иборат таркибда Ишчи гуруҳ тузиш таклиф қилинди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-киш мавсумига тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш, бунда мамлакатимиз истеъмолчиларини ёқилғи-энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш чораларига эътибор қаратиш топширилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ў.А.

Эксклюзив интервью

Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ўтказилади

Ташкилот мамлакатлари иқтисодий алоқалар учун истиқболдаги ва барқарор шaroитларни таъминламоқчи.

Жорий йилнинг 1-2 ноябрь кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари (бош вазирлар) кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Айни пайтда хизмат сафари билан Хитой Халқ Республикасида бўлиб турган “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари мухбирлари ана шу муҳим тадбир олдидан ШХТ Бош котиби Владимир НОРОВ билан суҳбатлашди.



— Владимир Иمامович, яқин кунларда Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишдаги энг асосий воқеаларидан бири — ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиллик йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу тадбирга тайёргарлик жараёнлари ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Дарҳақиқат, Шанхай

ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ташкилотимиз учун ШХТ Саммитидан кейинги энг муҳим тадбирдир. Ўзбекистонлик ҳамкасблар таклифи билан томонлар унинг навбатдаги 18-йиғилишини 2019 йил 1-2 ноябрь кунлари Тошкентда ўтказишга келишиб олди.

Ўзбекистон пойтахтига ШХТнинг барча мамлакатла-

ри бош вазирлари келиши кутиляпти. Анжуманга, шунингдек, ташкилотнинг қузатувчи давлатлари — Афғонистон, Беларусъ, Мўғулистон ва Эрон ҳукуматлари раҳбарлари, қолаверса, қатор ҳамкор халқаро ташкилотлар, ШХТнинг Банклараро бирлашмиси ва Ишбилармонлик кенгаши раҳбарлари таклиф этилган.

ШХТ Котибиятининг фаол кўмаги ва мувофиқлаштири-



«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида миллий маҳсулотларимизнинг «Made in Uzbekistan» («Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган») номли халқаро кўргазмиси очилди.

Мазкур форум иқтисодиётимиздаги энг сўнгги янгиликлар, охириги йилларда саноат тармоқларида қўлга киритилган ютуқлар намойишига бағишланган боис хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, ундан қўзланган асосий мақсад янги саноат маҳсулотларини тақдим этиш, маҳаллийлаштириш имкониятлари билан таништириш, йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига юртимиз ва хориждан ҳамкорлар топиш, чет эл инвесторла-

ятини юксалтиришдан иборатдир. Шу боис кўргазманинг кўлами гўятда катта, мавзулар қамрови эса низоҳатда кенг.

Дарҳақиқат, унда кон-металлургия, нефть-газ, кимё, фармацевтика, автомобилсозлик ва машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат, чарм-поябзал сингари саноатимизнинг етакчи тармоқларида фаолият кўрсатаётган юзлаб корхоналар



“Ўзэлтехсаноат” уюشمаси экспорт бўлими бошлиғи Ҳусан Саидхалоповнинг айтишича, энг катта намойиш майдонларидан бири мазкур тизим корхоналарига ажратилибди. Бу ерда 15 дан зиёд корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ўзлаштирилган маъиший техникалар, юкори қучланиши электр ускуналари, сим-кабель маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

— Бизнинг корхонамиз иш бошлаганига хали кўп бўлгани йўқ, эндигина икки йил тўлди, — дейди “Modern Lift Systems” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Камрон Уйғунов. — Аммо шу давр ичида бюртмачиларга 1000 та лифт, 60 га яқин эскалаторлар етказиб бердик. Эскалаторларнинг 24 таси Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган ер усти метросининг бешта бекатига ўрнатилмоқда.



Ҳусан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

рини жалб этган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга яқиндан қўмаклашиш, пировардида экспорт салоҳи-

экспортбоп маҳсулотлари, бутловчи буюмлари ва материаллари билан иштирок этипти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020 – 2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, хусусан, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича узок муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд эмаслиги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга, соҳага инвестицияларни кенг жалб этишга, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишига ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга тўқинилик қилмоқда.

Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегияси** (кейинги ўринларда — Стратегия) **1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харита”си (кейинги ўринларда — “Йўл харита”си) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

қишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, сифат назорати инфратузилмасини ривожлантириш, экспортни рағбатлантириш, мақсадли халқаро бозорларда рақобатбардош, юқори қўшилган қийматли қишлоқ хўжалиғи ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш;

қишлоқ хўжалиғи ва озиқ-овқат тармоғини модернизациялаш, диверсификация қилиш ва барқарор ўсишини қўллаб-қувватлаш учун хусусий инвестиция капитални оқимини кўпайтиришни назарда тутувчи соҳада давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибдорликни ошириш механизмларини жорий қилиш;

ер ва сув ресурслари, ўрмон фондидан оқилона фойдаланишни назарда тутувчи табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалиғида давлат бошқаруви тузилмасини реструктуризация қилиш ва янада ривожлантиришни назарда тутувчи бошқарувнинг замонавий тизимларини ривожлантириш;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш, шунингдек гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир белгиланган талабларга риоя этилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

гўдақ – бир ёшгача бўлган бола;
гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотлари – гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар организмнинг физиологик хусусиятларига ҳамда эҳтиёжларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;
кичик ёшдаги болалар – бир ёшдан уч ёшгача бўлган болалар;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар – гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар учун она сути ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари;

сунъий озиқлантириш – гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларни она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан озиқлантириш;

қўшимча овқат маҳсулотлари – бола ёшининг физиологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилган, тавсия этилган муддатларда она сутига, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларга қўшимча сифатида гўдақлар ва кичик ёшдаги болалар рационига киритиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

2-боб. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларнинг она сути билан озиқлантиришга бўлган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

(Давоми 2-бетда).



ТИЛ ЎЛМАЙДИ

2019 йилнинг 21 октябрида еру самолардан саодатли шуъалар ёғилиб турган дамларда янги Халқаро Конгресс марказининг муҳташам залида давлат тилимиз ҳақидаги Қонуннинг 30 йиллиги анжуманида жўшқин хиссиётлар оғушига ғарқ бўлиб ўтирдик. Ўзбекистон Президентининг нуқтада пайдар-пай янграётган, тилимизнинг истикболига йўллар, уфқлар очаётган сўзлар, ҳаётбахш гоёлар оҳанрабодек ўзига тортиб олган, ром этганда ҳаммамизнинг фикру хаёлимизни.

Муносабат

Шу сўзлар, прагматик гоёлар билан бирга давлатнинг тил сиёсатида янги давр бошланаётган эди. Бу умидбахш янги келажақ ҳам эди.

Ҳа, бу тилимизнинг тоза ва янги бугуни! Тоза ва тобора янглинган борадиган эртанги кун — келажаги!

Президентимизнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир фикри бениҳоя жиддий ва бениҳоя ўлчовли, вазни ва залворни чўнғ тафаккур йўналишларида тил сиёсати, тил тарққийети қонуниятлари ва қонунлари ёрқин ифодаланарди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотлариға доир талаблар тўғрисида

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш;
гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;
она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида ягона давлат сибсатини амалға оширади;

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқишлишини, тасдиқланишини (қабул қилинишини) ва амалға оширилишини ўз ваколатлари доирасида таъминлайди;

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги асосий йўналишларни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;
давлат бошқаруви органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига доир фаолиятини мувофиқлаштиради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқади ҳамда амалға оширади;

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқишда давлат бошқаруви органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўмаклашади;

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни амалға оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилады;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилишға доир санитария қоидалари, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатиға оид ҳамда микдорий хусусиятларига, уларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишға доир талабларни белгилашда иштирок этади;

она сути билан озиқлантиришнинг, шунингдек оналар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар оқилона овқатланишининг фойдаси ҳамда афзаллиги тўғрисида аҳоли ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боради;

она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ва тарғиб қилишға ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларни баҳарлашға қаратилган чора-тадбирларнинг амалға оширилиши мониторингини олиб боради ва уни баҳолайди.

7-модда. Она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати

Ушбу Қонун талабларига риоя этилиши, шунингдек гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария ҳолати, сифати ҳамда хавфсизлиги устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, унинг ҳудудий бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалға оширилади.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талабларға риоя этилиши устидан давлат назорати Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан амалға оширилади.

3-боб. Она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ва тарғиб қилишға доир чора-тадбирлар ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар

8-модда. Она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ва тарғиб қилиш

Она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш:
она сути билан озиқлантириш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалға ошириш;
эмизикли оналарни ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўйича

чоралар кўриш, шунингдек улар учун қулай меҳнат ва ўқиш шaroитларини яратиш;

она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан эмизикли оналарға ва кичик ёшдаги болаларға кафолатланган бепул тиббий хизмат кўрсатиш тартибини такомиллаштириш орқали амалға оширилади.

Она сути билан озиқлантиришни тарғиб қилиш соғлиқни сақлаш органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда ахборот-тушунтириш тадбирларини ўтказиш орқали амалға оширилади.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг, репродуктив ёшдаги аёлларға, ҳомиладор аёлларға, эмизикли оналарға тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасаларнинг тиббиёт ходимлари ушбу аёллар ва оналарға ҳамда уларнинг оила аъзоларига:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг ёши ҳамда физиологик эhtiёжларига мувофиқ уларни овқатлантириш қоидаларига риоя этишға доир;

ҳомиладор аёлларнинг, эмизикли оналарнинг тўғри овқатланишиға ва уларни она сути билан озиқлантиришға тайёрлашға доир;

она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси, афзаллиги ҳамда унинг она ва бола соғлиғига таъсири тўғрисида;

гўдакни олти ойгача овқатлантиришда бошқа таомдан ёки ичимликдан, шу жумладан сувдан фойдаланмасдан фақат она сути билан озиқлантириш, шунингдек она сути билан озиқлантиришни икки ва ундан катта ёшгача давом эттириш зарурлиги ҳақида;

олти ойликдан бошлаб болалар учун қўшимча озиқ-овқатнинг ва қўшимча овқат маҳсулотларининг муҳимлиги тўғрисида;

гўдакларнинг овқатланиш рақioniға она сутига қўшимча овқат маҳсулотларини баравақ ва кеңириёт кириртишининг, она сути билан озиқлантириш давомийлигини қисқартиришнинг оқибатлари ҳақида;

нооқилона овқатлантиришнинг, айниқса сунъий озиқлантиришнинг болалар соғлиғига салбий таъсири тўғрисида ахборот беради.

Ёзма, аудио ёки визуал шаклда тақдим этилган ҳамда аҳоли ўртасида, айниқса ҳомиладор аёллар, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг оналари ўртасида тарқатиш учун мўлжалланган, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланишиға доир ахборот материалларни ҳамда маърифий материаллар давлат тилида ва зарурат бўлган тақдирда бошқа тилларда ёзилган, шунингдек лўнда, тўлиқ ҳамда ишончли ахборотни ўз ичига олган бўлиши керак.

9-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун шарт-шaroитлар яратиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун шарт-шaroитлар яратиш мақсадида давлат муассасалари ҳамда ташкилотларида, шунингдек автовокзаллар, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида, маданий-қўнғилочар муассасаларда махсус ажратилган жойлар ташкил этилиши керак.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни она сути билан озиқлантириш учун махсус ажратилган жойлар бошқа ташкилотларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

10-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси қўйидаги талабларға риоя этилган ҳолда амалға оширилади:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни реклама қилишға йўл қўйилмайди;
она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тўғрисидаги ҳар қандай ахборот она сутининг, шунингдек гўдакни олти ойгача озиқлантиришда бошқа таомдан ёки ичимликдан, шу жумладан сувдан фойдаланмасдан фақат она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси ва афзаллиги тўғрисидаги кўрсатмани ўз ичига олган бўлиши керак;

бола ҳаётининг биринчи йили мобайнида унинг рақioniға киритилган қўшимча овқат маҳсулотлари рекламасида бундай маҳсулотлар қўланилишининг ёшға доир чекловлари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳати зарурлиги ҳақидаги огоҳлантириш бўлиши керак.

11-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг, етказиб берувчиларнинг, рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг фаолиятини чеклаш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар, шунингдек рекламани тайёрловчилар ва тарқатувчилар фаолиятига оид чекловлар қўйидагиларға таалуқли тақиқлардан иборатдир:

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланишиға доир илмий тадқиқотларни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишмаган ҳолда амалға оширишға;

тиббиёт ходимларига гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиш учун она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар билан боғлиқ бўлган реклама тусидаги материаллар тақдим этишға, бундан илмий ахборот мустасно;

она сути ўрнини босувчи маҳсулотларнинг номидан фойдаланган ҳолда товарларни (тиббиёт халатларини, футболкаларни, бош кийимларини, канцелярия ашёларини ва бошқаларни) текин асосда тарқатишға;

она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тўғрисидаги реклама маҳсулотини оналар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида тарқатишға;

ҳомиладор аёлларға, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг оналарига ҳамда уларнинг оила аъзоларига она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни кўллашға ёки идишчалардан озиқлантиришға қўмаклашиши мумкин бўлган маҳсулотларни, шунингдек буюмлар ёки ашёлар тарзидаги бирор-бир совғани

беришға (бундан она сути билан озиқлантиришға тиббий жиҳатдан мутлақ монеликлар мавжуд бўлган ҳоллар мустасно);

тиббиёт муассасаларига (она сути билан озиқлантиришға мутлақ қарши тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни берувчи болалар уйлари ва даволаш-профилактика муассасаларидан ташқари) она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларни, бундан болаларни махсус даволаш бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари мустасно, беришға.

12-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун ишлаб чиқариладиган ҳамда олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат реализация қилиш учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари сертификатлаштирилиши ҳамда сифат ва хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

13-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг ўровига (идишиға) ҳамда уларни тамғалашға доир талаблар

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган ўров материалларининг барча турлари (идишлар) қўланилишиға она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ҳамда гўдакларни ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасидаги давлат назорати органлари томонидан руқсат берилган бўлиши керак.
Ўров (идиш) гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ташishi, сақлаш ҳамда ароқилик (бут сақланиши) муддати ичида реализация қилиш чоғида уларнинг ҳар қандай тарзда ифосланиши ва бўзилиши имкониятини истисно этиши, бут сақланишини таъминлаши керак.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғасида (ёрлиғида) қўйидагилар бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг, ўровчи-жойловчининг, экспорт қилувчининг, импорт қилувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва мамлакат номи;
маҳсулотнинг номи;
маҳсулот нoмида унинг гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар овқатланиши учун мўлжалланганлиги, асосий ингредидентга (таркибий қисмға) мувофиқлигининг ифодаси ҳамда қуюқ-сууюклик даражаси тўғрисидаги ахборот;
соф огирлиги ёки ҳажми тўғрисидаги ахборот;
маҳсулотнинг таркиби;
тайёрлаш усули;
ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (мавжуд бўлган тақдирда);
озиқлик қиммати, витаминлар ва минерал моддаларнинг маъхудлиги тўғрисидаги маълумотлар;
истеъмол идиши очилгунига қадар ва очилганидан кейинги сақлаш шартлари;

яроқилик муддати ёки сақлашнинг турли ҳарорат шaroитлари ҳисoбға олинган ҳолда, маҳсулотдан қайси санагача фойдаланиш керак бўлса, уша сана;

сертификатлаштириш тўғрисидаги ахборот;
маҳсулот қайси норматив ҳужжатға мувофиқ тайёрланган бўлса ва идентификация қилиниши мумкин бўлса, техник жиҳатдан тартибға солиш соҳасидаги уша норматив ҳужжатға ишoра;
маҳсулот ишлаб чиқарилган ва ўраб-жойланган сана;
белгиланган мақсади ва қўланилиш шартлари;
товарнинг штрих-коди (мавжуд бўлган тақдирда);
маҳсулотни шифокорнинг тавсияси бўйича кўллаш тўғрисидаги ахборот;

она сути билан озиқлантиришнинг фойдаси ва афзаллиги, шунингдек сунъий озиқлантириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин шифокорнинг дастлабки маслаҳатини олиш зарурлиги ҳақидаги огоҳлантирувчи ёзувлар. Бунда ёзувнинг шакли оson ўқиладиган бўлиши керак;

болалар аралашмасини тайёрлашға доир йўриқномада озиқлантириш жадвали тўғрисидаги кўрсатма.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғаси (ёрлиги) қўйидаги талабларға мувофиқ бўлиши керак:

лўнда, тўлиқ ва ишончли ахборотға эга бўлиши;
давлат тилидаги ва зарур бўлган тақдирда бошқа тиллардаги ёзувларни ўз ичига олиши. Агар матн истеъмолчи тушунмайдиган тилда баён этилган бўлса, ёрлиқнинг асл нусхаси алмаштирилмаган ҳолда, давлат тилидаги қўшимча ёрликдан фойдаланилади;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун аввал тайёрланган, болани олдинги озиқлантиришдан қолган озиқ-овқат маҳсулотларидан такроран фойдаланишға ҳамда уларни сақлашға йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши;
боланинг маҳсулотни истеъмол қилишға руқсат этиладиган ёшини кўрсатиши.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган шифобахш озиқ-овқат маҳсулотларининг тамғасида (ёрлиғида) алоҳида парҳез эhtiёжлари, функционал ҳолатлар ва (ёки), агар мавжуд бўлса, мазкур маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилидиган касалликлар ҳам кўрсатилиши зарур.

Она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотларнинг тамғаларида (ёрлиқларида) ва озиқ-овқат формуларларининг тавсифларида:

мазкур маҳсулотларни она сути билан тенг қимматлилиги ва (ёки) ундан кўра фойдалилиги ҳамда афзаллиги тўғрисидаги тасаввурни юзага келтирувчи иборалардан фойдаланиш ёҳуд бу маҳсулотларни она сути билан тенглаштириш;

мазмуни она сути билан озиқлантиришни рад этишға ундаши мумкин бўлган матндан фойдаланиш;

гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг фотосуратларини, шу жумладан сўргичли идишчаларнинг суратларини, агар ушбу тасвирлар маҳсулотдан фойдаланиш ёки уни тайёрлаш усулларини бевосита ифодаламаса, жойлаштириш тақиқланади.

14-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда реализация қилиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, таиш, сақлаш ҳамда реализация қилиш

санитария нормаларига, қоидаларига ҳамда гигиена нормативларига риоя этилган ҳолда амалға оширилади.

Мазкур маҳсулотларни тегишли сақлаш шaroитларига эга бўлмаган ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқ бўлмаган жойларда реализация қилишға йўл қўйилмайди.

15-модда. Идишчаларни ва сўргичларни тамғалашға доир талаблар

Озиқлантириш учун мўлжалланган идишчаларнинг ва сўргичларнинг тамғасида (ёрлиғида) қўйидагилар бўлиши керак:
ишлаб чиқарувчининг, ўровчи-жойловчининг, экспорт қилувчининг, импорт қилувчининг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва мамлакат номи;
товарнинг номи;
ишлаб чиқарувчининг товар белгиси (мавжуд бўлган тақдирда);
маҳсулотнинг таркиби;
сақлаш шартлари;
яроқилик муддати;
сертификатлаштириш тўғрисидаги ахборот;
ишлаб чиқарилган ва ўраб-жойланган сана;
белгиланган мақсади ва қўланилиш шартлари;
маҳсулот техник жиҳатдан тартибға солиш соҳасидаги қайси норматив ҳужжатға мувофиқ ишлаб чиқарилган бўлса ва идентификация қилиниши мумкин бўлса, идишчалар ва сўргичлар учун уша норматив ҳужжатға ишoра;
идишча, сўргич қайси хом ашёдан ишлаб чиқарилган бўлса, уша хом ашё тўғрисидаги ахборот;
ювиш ва стерилизация қилишға таалуқли бўлган, сўзлар орқали ифодаланган ҳамда жадвал шаклидаги йўриқнома.

Идишчалар ва сўргичларнинг тамғаси (ёрлиғи) қўйидаги талабларға мувофиқ бўлиши керак:

лўнда, тўлиқ ва ишончли ахборотға эга бўлиши;
давлат тилидаги ва зарур бўлган тақдирда бошқа тиллардаги ёзувларни ўз ичига олиши. Агар матн истеъмолчи тушунмайдиган тилда баён этилган бўлса, ёрлиқнинг асл нусхаси алмаштирилмаган ҳолда, давлат тилидаги қўшимча ёрликдан фойдаланилади. Бунда ёзув шакли оson ўқиладиган бўлиши керак.

16-модда. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, санитария қоидалари ҳамда нормаларига мувофиқ бўлганган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва йўқ қилиш

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, қайта ишланган маҳсулотдан олинган хом ашёни кўллашға йўл қўйилмайди.

Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун мўлжалланган, санитария қоидалари ҳамда нормаларига мувофиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, йўқ қилиш ёки улардан озиқ-овқат эhtiёжларидан бошқа эhtiёжлар учун фойдаланиш усуллари ва шартлари уларнинг эғалари томонидан назорат қилувчи давлат органлари билан келишилади.

4-бoб. Якуновчи қоидалар

17-модда. Низоларни ҳал этиш

Она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш соҳасида юзаға келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18-модда. Она сути билан озиқлантиришни кўлаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Она сути билан озиқлантиришни кўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочилиға етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ишбу Қонунға мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунға мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунға зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучға кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Тошкент шoҳри,
2019 йил 23 октябрь
№ ЎРҚ—574

Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ўтказилади

Ташкилот мамлакатлари иқтисодий алоқалар учун истикболдаги ва барқарор шароитларни таъминламоқчи.

Вазирлар мажлисларининг конструктив олиб борган ишлари ҳамда экспертлар учрашувлари туфайли Тошкентда бўлиб ўтадиган ШХТ-га аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Ҳукумат раҳбарлари қўриб чиқиши ҳамда имзолаши учун ҳужжатларнинг салмоқли пакети тайёрланди.

— Одатда, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши ташкилот доирасида иқтисодий ва гуманитар ўзаро алоқаларни ривожлантириш вазифаларини муҳокама қилади. Кенгашнинг бу галги йиғилиши кун тартибига қандай масалалар киритилган?

— Тадбир кун тартибининг дастлабки лойиҳасига мувофиқ, Тошкентда Ҳукумат раҳбарларига ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорлиқни чўқурлаштириш истиқболлари ҳамда чора-тадбирларини муҳокама қилиш, дунё ва минтақавий иқтисодий тараққиётнинг кенг қўламадги масалалари бўйича фикр алмашиш тақлиф этилади.

Бош вазирлар Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига асосланган ҳолда очик иқтисодиётни шакллантириш ва кўп томонлама савдо тизимларини мустақкамлаш бўйича вазифаларни ҳал этиш мақсадида ўзаро алоқаларни янада чўқурлаштириш йўллари қўриб чиқиши кутиляпти.

Минтақавий ҳамкорлик чўқурлашувини инобатга олган ҳолда Ҳукумат раҳбарлари инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш йўли билан ўзаро сармояларни кенгайтириш учун қулай шароитларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Маълумки, минтақа халқлари фаровонлигини оқсатириш ШХТнинг биринчи даражали вазифаларидандир. Ҳукумат раҳбарлари шунга асосланган ҳолда 2030 йилгача Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш, транспорт, энергетика, саноат, молия, қишлоқ ҳўжалиги, боғжона, телекоммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиқни мустақкамлаш бўйича фикр алмашилади.

Евроосиёда кенг, очик ва ўзаро манфаатли шериклиқни шакллантириш йўлида бош вазирлар ташкилотга аъзо давлатлар ва ШХТ “оиласи”нинг бошқа мамлакатлари, шунингдек, халқаро тузилмалар салоҳиятидан фойдаланиш масаласини ҳам муҳокама қиладилар. Бундан қўзғалган мақсад минтақда барқарор тараққиётга эришишдир.

Бинобарин, ШХТ унга Ҳиндистон ва Покистон кирганидан сўнг янги сифат ҳамда суръатга эга бўлди, дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирувчи ва Евроосиё материгининг қарийб 60 фоизини қамраб олган трансконтинентал ташкилотга айланган.

Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ўтказилади

Тошкентда ШХТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг йиғилиши ўтказилади

— Қоидага кўра, тадбир якуни бўйича қабул қилинадиган ҳужжатлар аъзо давлатлар ўзаро кооперация борасида қай даражада чўқур борганидан дарак беради. Шундай экан, ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида имзоланиши режалаштирилаётган ҳужжатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳар йили қабул қилинадиган Қўшма қоммюнике, ШХТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурини амалга оширишнинг боғиш тўғрисидаги йиллик ҳисобот, ўтган йилги молиявий ҳисобот ва ташкилотнинг келгуси йил бюджетидан ташқари қатор катта аҳамиятга эга ҳужжатлар муҳокамадан ўтказилиб, имзоланади.

Кенгаш йиғилишида тасдиқланадиган муҳим лойиҳалардан бири 2035 йилгача кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурининг янги таҳриридир. Ушбу ҳужжат, аввало, ўзаро савдонини янада қўлайитириш ва инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, ШХТ мамлакатлари аҳолиси ҳаёти даражасини ошириш мақсадида комплекс ва мувозанатлашган иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга

риш, шунингдек, савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш соҳаларида қоидаларни ишлаб чиқиш йўли билан миллий иқтисодиётларни ўзгартиришни таъминлаш режалаштирилган.

Узоқ муддатли истиқбол, яъни 2035 йилгача ШХТ мамлакатларига миллий иқтисодиётларининг глобал рақобатбардошлигини ошириш ва рақамли ўзгаришнинг таъминлаш вазифаси қўйилган. Бу рақамли технологияларни жорий этиш, товарлар, капитал, хизмат ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишини изчил рўёбга чиқариш учун қулай шароитлар яратиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур вазифа ШХТ Хартиясига ҳам ўзифодасини топан.

Дастурда савдо ва инвестиция, банк ва молия, транспорт ва логистика, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, боғжона, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, ҳудудий ривожланиш, минтақаларо алоқалар, туризм, экология, таълим ва бошқа жабҳалар устувор йўналишлар сифатида таллаб олинган.

Тасдиқланадиган ШХТга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари ўзаро алоқалари концепцияси ҳам муҳим ҳужжатлардан биридир. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва маъқулланган.

Ҳужжат минтақанинг улкан транспорт салоҳиятини тўлиқ очиб ва ШХТ мамлакатлари ўртасида темир йўл соҳасида қўшма лойиҳаларни илгари суришга қаратилган. Бугун ШХТнинг барча давлатлари ҳудудига 244 минг км. темир йўл ётқизилган. Хитойдан Қозоғистонга, Россияга, ундан сўнг Европа, Марказий Осиё ва Форс кўрғазига темир йўл орқали юк та

ШХТга Ҳиндистон ва Покистон кирганидан сўнг янги сифат ҳамда суръатга эга бўлди, дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирувчи ва Евроосиё материгининг қарийб 60 фоизини қамраб олган трансконтинентал ташкилотга айланди. Ташкилот барча мамлакатларининг умумий ялпи ички маҳсулоти ўтган йилда 18,4 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. Бу бутун жаҳон кўрсаткичининг 22,5 фоизидир.

қаратилган. Ўтган галги дастур 2003 йилда қабул қилинган ва 2030 йилда унинг амал қилиш мuddати якунига етади.

Янги дастурга асосан, ШХТга аъзо давлатлар яқин келажакда, яъни 2025 йилгача инновация ва “яшил” технологияларни қўллаган ҳолда истиқболли дастурлар ҳамда лойиҳаларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга киришади.

Урта истиқболда, яъни 2030 йилгача ШХТ доирасида савдо ва инвестиция, хизматлар ва электрон савдонини илгари су

шиш қўзғалганда-босқич ўсиши тенденцияси кузатиляпти. Зотан, Хитойдан Яқин Шарққа энг яқин транспорт йўлагчи Россия ва Марказий Осиё орқали ўтади.

Маълум бўлишича, Қозоғистон — Хитой чегарасидан иккита темир йўл ўтиш жойи орқали 2018 йилда темир йўл ташувлари қарийб 14 млн. тоннага етди ва 38 фоиз кўнайди. Ҳозир 2010 йилдагига нисбатан Хитойдан Европаларга контейнер ташув ҳажми 40 баробардан кўпроққа ошди. Айни чоғда Хитой, Жану

би-Шарқий Осиё ва Европа йўналишлари бўйича ҳар йили 23 млн. та контейнер ташилмоқда. Бироқ шулардан бор-йўғи 1 фоизи темир йўл, қолган 99 фоизи дөнгиз йўллари орқали олиб бориляпти.

Бу ШХТ давлатлари ўртасида темир йўл ташувларини ривожлантириш нақадар катта салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради. Масалан, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли “Шарқ-Фарб” лойиҳаси ва “Шимол-Жануб”нинг қатор минтақа ичидаги йўлақлари бўйича ШХТнинг муҳим транспорт тармоғига айланиши кўзда тутилган. Бинобарин, шу орқали ШХТнинг барча давлатларига Европа, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Урта Ер дөнгизи портларига чиқиш таъминланади.

Минтақавий транспорт йўлларини шакллантиришга Афғонистонни ҳам жалб этиш муҳим. Бу ушбу мамлакатдаги вазиятни сезиларли барқарорлаштириш имконини ҳам беради. Хайратон — Мозори-Шариф темир йўли, лойиҳалаштирилаётган Мозори-Шариф — Хирот ва Мозори-Шариф — Пешавор йўллари Эрон, Покистон ва Ҳиндистон темир йўллари билан Чоҳбаҳор ва Гвадар портларига чиқиш учун янги транзит йўлагини шакллантириш имконини беради. Жорий йил 5 сентябрь кунин Афғонистондан Хитойга-Хайратон станциясидан Дўстлик кўприги ва Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон темир йўллари орқали 41 контейнер жўна-тилгани бу борада рамзий маъно касб этди.

Ҳудудий ривожланиш, айнан таълим, тиббиёт, молия ва бошқа хизматлардан фойдаланиш имконияти, шунингдек, чекка ва қишлоқ ҳудудларида инфратузилмаларни яратиш йўлидаги муаммоларни ҳал қилиш ҳам ШХТ доирасида долзарблик касб этади. Зеро, Ҳукумат раҳбарлари ШХТга аъзо давлатларининг рақамли даврда чекка ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлиги концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича Харакатлар режасини тайёрлаш бўйича ҳамкорликдаги ишларга старт беришади.

Йиғилишида имзоланадиган ШХТга аъзо мамлакатлар шаҳарлари экологик фаровонлигини ривожлантириш дастури юқорида кўрсатиб ўтилган лойиҳа учун муҳим тўдрийши бўлади. Чунки у ШХТга аъзо давлатлар шаҳарларида атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш, бу борадаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илгор тажрибаларни алмашиш платформасини яратишга қаратилган. Дастур шаҳар ҳудудларида барқарор ривожланиш принципларини илгари суриш ва табиотни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликка ёрдам беради.

Яна бир лойиҳа — ШХТ иқтисодий-таҳлилӣ марказлари консорциуми регламентидир. Уни ҳам Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзолаш кутиляпти.

Мазкур ҳўжат янги консультация-экспертлик механизми — консорциум фаолиятининг асосий мақсадлари, вазифалари ва йўналишларини белгилаб беришга қаратилган. Ушбу тузилма иқтисодий масалалар бўйича илмий-тадқиқот муассасалари ва таҳлил марказлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, ШХТ доирасида ўзаро иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишлари бўйича таҳлил ўтказиш билан шуғулланади.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши “майдон”да ШХТ Котибияти ва БМТнинг Озик

кўрсатаяпти. Ўз навбатида, электрон тижорат катта тезликда ривожланыпти. Глобал савдо кесимида электрон тижорат 20 фоизга етган. 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 25 фоиз бўлади. Хитой ва Ҳиндистон эса рақамли технологиялар ривожига катта тажрибага эга. Марказий Осиё мамлакатлари ва ШХТнинг бошқа давлатлари уларнинг мазкур улкан тажрибасидан фойдаланса, айни муддаодир. Шунинг учун биз ШХТнинг электрон савдонини ривожлантириш бўйича дастурий лойиҳасини ишлаб чиқишни тақлиф этамиз.

ШХТ давлатларининг хориз мамлакатлари билан умумий ташқи савдо айланмаси 6,3 трлн. доллардан ошиб кетди. Айни пайтда ШХТ мамлакатлари ўртасидаги савдо ўтган йилда 305 млрд. долларни ташкил этди. Бу ўзаро алоқаларни феоллаштириш керак бўлган йўналишни кўрсатаяпти.

Биз эътибор қаратмоқчи бўлган яна бир асосий йўналиш, бу — ШХТ доирасида транспорт ҳамкорлиги ҳисобланади. Логистика марказларини ривожлантириш, мавжуд тармоқлар ва транспорт объектларини модернизация қилиш, транспорт соҳасидаги стандартларни, шунингдек, фитосанитар қоидаларни ўйғунлаштириш ҳамда бирхиллаштириш жараёниларини тезлаштиришга кўмак бериш учун бор куч-гайратимизни ишга сола-миз. ШХТга аъзо давлатлар ўртасида мультимодал транспорт-логистика марказларини ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Борган сари дунё мамлакатлари туризм соҳасидаги кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга ўз рақобатдошлигини оширишнинг стратегик имконияти сифатида қарамокда. Бизнинг фикримизча, ШХТ мамлакатлари туристик имкониятларини оммалаштиришга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш муҳим аҳамиятга эга.

ШХТ Котибияти ташкилотга аъзо давлатлар қўллаб-қувватлаши остида “ШХТнинг саккиз мўъжизаси” лойиҳаси бўйича тадбирларни тақдим этиа бошлади. Ундан ШХТнинг ҳар бир мамлакатидан биттадан сайёҳлик объекти жой олган. Лойиҳа тақдимиоти Пекин, Сиань, Душанбе ва Хельсинкида муваффақиятли ўтказилди. Шу сабабдан ШХТ майдонида “ақлли” туризмни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ҳам биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Хусусан, ташкилот мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга ўз хиссамни қўшмоқчиман. Бу 2019 йилги ШХТ саммити Бишкек декларациясида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. ШХТ мамлакатлари айни пайтда бой табиий ресурслар ва илгор ишлаб чиқариш қувватларига эга, ўз барқарорлиги билан ажралиб туради.

ШХТ давлатларининг хориз мамлакатлари билан умумий ташқи савдо айланмаси 6,3 трлн. доллардан ошиб кетди. Айни пайтда ШХТ мамлакатлари ўртасида савдо ўтган йилда 305 млрд. долларни ташкил этди. Бу ўзаро алоқаларни феолаштириш керак бўлган йўналишни

Руслан КЕНЖАЕВ, Омонулла ФАЙЗМОВ («Халқ сўзи») сўхбатловчи

Пекин

МАСАЛАГА ЎТА СИЁСИЙ ТУС БЕРИШ НОТЎҒРИ

Ўзбекистон ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи ўртасидаги муносабатлар атрофида турли-туман гап-сўзлар айтилмоқда. Билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилганидан бўлса, улар “Ўзбекистон учун Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо бўлиш иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қанчалик манфаатли?” деган саволга жавоб топишга қаратилганига гувоҳ бўламиз.

Долзарб мавзу

Аввало, ЕОИИ иқтисодий ташкилот эканлигини эсдан чиқармаслик жоиз. Бу ташкилотга аъзо мамлакатлар суверенитетига таъсир қилмаслиги, давлатларнинг бири томонидан бошқасига ҳатто иқтисодий таъйиқ ўтказилиши мумкин эмаслиги кундай равшан. Бинобарин, ташкилотнинг асосий мақсади ўзаро манфаатдорликка қаратилган экан, унга аъзо бўлмаслиқни эмас, балки қўйилишни муҳокама қилиш ўринлидир.

Маълумотларга кўра, айни пайтда ЕОИИ майдони жиҳатидан дунёда биринчи бўлса, аҳоли сонини бўйича саккинзинчи, ЯИМ ҳажми бўйича эса ўнинчини уринда. Шу маънода, Ўзбекистоннинг ташкилотга кириши иқтисодий томондан ўта фойдали бўлиб, 186 миллион нафарга яқин истеъмолчилар мавжуд катта бозор сари кенгроқ йўл очилади. Қолаверса, давлатларро технология ишлаб чиқариш занжирини яратилади. Мисол тариқасида 2017 йилда аъзо давлатлар ўртасида ишлаб чиқариш саноатида кооператив ҳамкорлик 30 фоиз, учинчи давлатлардан бугунчи қисмлар импорти эса 21,6 фоиз ошганини келтириш ўринлидир.

Ўзбекистон экпортчида енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти табиий ресурслар ва рангли металллардан кейин учинчи ташқи савдо йўналиши ҳисобланади. Агар иттифоққа аъзо мамлакатлар ичида ушбу тармоқда етакчининг аниқ эмаслигини инобатга оладиган бўлса, бу борада биз нисбий устунликка эга бўламиз. Бу — масаланинг бир жиҳати, иккинчиси — импорт. Мамлакатимиз импортининг 1/3 қисмини машиналар, ускуна ва механизмлар ташкил этади. Ушбу йўналишдаги асосий ҳамкоримиз Хитой эканлиги сабабли

мазкур товарлар нархининг тушуши, натижада импорт харажатларининг камайишига эришилиши мумкин.

Ўзбекистонликларга қулай виза режимиининг тақдим этилиши нафақат иттифоқ мамлакатларига меҳнат қилиш учун, балки яшаш учун ҳам жойлашишларига енгилликларни вужудга келтиради. Бу эса нисбатан зич демографик жойлашувига эга Ўзбекистонга аҳоли сонини иттифоқ давлатларига самарали тақсимлашда қўл келади.

Тўғри, мамлакатимиз ЕОИИга аъзо мамлакатларнинг барчаси билан икки томонлама ўзаро манфаатли келишув ва битимларга эга. Лекин асосий устуворлик аъзо мамлакатлар маҳсулотларига нисбатан қўлланлиши ҳеч кимга сир эмас.

Шу ўринда ЕОИИнинг жорий ҳолатига бир назар ташласак. Жаҳон иқтисодиётининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ ташқи шароитлар ва хатарларга қарамай, ташкилотга аъзо мамлакатлар иқтисодиётида иқтисодий ўсиш сакланиб турибди. Ташқи савдо ҳажми 11 фоиздан кўпроққа ошган. Мамлакатларнинг ўзаро савдо ҳажми ҳар йили 20 — 30 фоиз ўсумоқда. Яна бир иқтисодий омил шуки, барча аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиётидаги ўз позициялари

Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг ЕОИИга кириши туфайли айрим ҳавф-хатарлар юзга келиши мумкин. Бу ҳақда сўз очилганда, биринчи навбатда, ички бозордаги хоржий инвесторлар ҳимояси, аъзо давлатларнинг жаҳон сибастиядаги муаммоларининг таъсири, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жиддий рақобатга дуч келиши каби омилларни санаш мумкин. Аммо буларни йўл-йўлакай ҳал этиш мумкин. Энг асосийси, Ўзбекистоннинг ушбу тузилмага кириши ҳаётиимизга катта ўзгаришлар олиб келади. Биз учун ушбу жараёнларда миллатимиз манфаатини ҳимоя қилиб, ҳалқимиз фаровонлиги ва тинчлик-хотиржамлигини таъминлашимиз ўта муҳим.

Нодир ЖУМАЕВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Ҳозирги кунда маҳсулотларимизни, асосан, ички бозорга етказиб бераётган бўлсак, келгуси йилдан бошлаб экспортга чиқаришни мўъжжалаб турибмиз. Масалан, Беларусь Республикаси билан тўртта келишувга эришдик. Айни пайтда у ерда ўз савдо тармоғимизни очиб бўйича музокаралар олиб борапмиз. Бу каби лойиҳалар ихросида ушбу тадбир муҳим бозор вазифасини ўтамоқда. “Uz-Koram Co” масъулияти чекланган жамияти томонидан илк бор кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган инновация маҳсулотлар ҳам ҳеч қачон бефакр қолдирмаёпти. Булар, халқ тилида айтганда, пўжақдан тайёрланган болалар стол-стуллари, универсал гиламчалар, дазмол тахтаси ва термо қутилардир.

— Корхонамиз автомобилларнинг пластмасса асосидаги бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришга иxtисослаштирилган, — дейди мазкур жамиятнинг маҳаллийлаштириш сектори бошлиги Энёрбек Ашуров. — Яқинда “қўпирадиган” полипропилен асосида ушбу

Олмалик кон-металлургия комбинати: ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ОДИМЛАРИ

Мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналаридан бири — Олмалик кон-металлургия комбинати ўзига хос тарихга эга. Зотан, комбинат ўтган етмиш йил давомида мис-молибден, кўрошин-руҳ, полиметалл, олтин таркибли рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мавқеини нафақат мустақамлашди, балки мис маҳсулотлари қазиб олиш ва ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг йирик 30 та корхона қаторидан ўрин олди.

Фахр

Бугунги кунга келиб комбинатимиз конларни очик ўзлаштириш ва рудаларни ер остидан қазиб олиш, бойитиш, олтин саралаш фабрикалари, металлургия заводлари, йирик энергетика ва транспорт тизимлари, ривожланган инфратузилма ва ижтимоий объектларни ўзида мужассам этган ўзига хос улкан мажмуага айланган. Тошкент, Наманган, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 45 та тармоқ бўлима-мизда 36 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар меҳнат қилаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган 17 турдаги маҳсулотлар эса 16 давлатга экспорт қилинмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш кераки, корхонамиз бугун тараққиётнинг янги босқинида турибди. Гап шундаки, 2017 йилнинг августига Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олмалик шахрига таширфи давомида “Ёшлик I” конини ўзлаштиришга старт берган эди. 2018 йилнинг август ойида эса “Олмалик КМК” АЖ-нинг давлат улуши давлат-хусусий шериклиги доирасида “SFI Management Group” хоржж компаниясига ишончли бошқарувга берилди. Комбинат самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллий ва хоржий олимлар ҳамда экспертлар жалб этилган ҳолда, қувватларни модернизациялаш дастури ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси амалда ўз натижасини кўрсатмоқда. Жумладан,

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

халқ истеъмоли моллари тайёрлашни йўлга қўйдик. Грануляларни катта босим остида бириктириш орқали ишлаб чиқарилаётган бу бўюмлар ўта мустаҳкам ва енгил. Экологик жиҳатдан эса безазар. Қолаверса, фойдаланиш учун жуда қулай. Мазкур хом ашё асосидаги маҳсулотларга талаб юқорилигини инобатга олиб, турини қўлайитярипмиз. Худемай, болалар қаравотлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Таъкидлаш кераки, форумда ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятини намойиш этиш учун кен ўрин берилган. Таширфи буюрчилар Коракалпоистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрида фаолият юритаётган корхоналарнинг маҳсулотлари билан яқиндан танишиш, ишлаб чиқаришга жорий этилган инновация лойиҳалар ҳақида маълумот олиш бора-барига, тўғридан-тўғри шартномалар тузишлари ҳам мумкин.

Кўргазма Андижон вилоятида фео

лият юритаётган “KFK Collection” корхонаси учун ҳам самарали кечмоқда. Ўтган йили 5 миллион АҚШ долларлиги маҳсулот экспорти учун шартномалар имзоланган эди.

— Бу йил режани бундан ҳам каттароқ оляпмиз, — дейди мазкур корхона раҳбари Акрамжон Шерматов. — Яъни 7 миллион АҚШ долларидан ошмироқмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Айни пайтда кунига 2,5 минг жуфт эркаклар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқаришмоқда. Қувонарлисини, уларнинг 95 фоизи экспортга йўналтирилган. Табиий чармдан тайёрланаётган маҳсулотларимизга ташқи бозорда ортиб бораётган эҳтиёжни инобатга олиб, яқинда яна бир заводни ишга туширдик. Унга хорхилик мутоаассисларни жалб қилиб, мавсумий пойабзалларнинг янги моделларини ўзлаштиряпмиз.

Кўриниб турибдики, кўргазма янги

қувватлар пайдо бўлишига катта туртки бермоқда. Шунинг баробарида, ишлаб чиқаришга инновация технологиялари жорий этиш, энг асосийси, жаҳон бозорларига чиқиш учун кенг йўл очмоқда.

Уч кун давом этадиган халқаро кўргазма доирасида семинарлар, маҳсулотлар ва хизматлар тақдимотлари ҳам ўтказилмоқда. Хусусан, унинг биринчи кунинда Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидида ўрнатилган 10 кВт қувватли қуёш панеллари ва замонавий ҳизмалар билан таъминланган электр ускуналарини текшириш ва назорат қилиш лабораториясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Улар “Узелтех-саноат” уюшмаси ҳамда Хитойнинг “Zhejiang Chint Electrics” компанияси ҳамкорлигида бунёд этилган.

Сайд РАҲМОНОВ («Халқ сўзи».)

ёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бунда Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиали, Россия Федерациясининг Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали ташкил этилгани қўл келади, албатта.

Жамоамиз ўз олдига қўйлаб истиқболли режаларни қўйган. Шу мақсадда яқин йиллар ичида хом ашё базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш учун 3 миллиард 349,8 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилади. Ҳозир эса 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошлаб юборилган бўлса, навбатда металлургия бўлимининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва реконструкция қилишга мўъжжаланган инвестициявий лойиҳалар рўёбга чиқарилади. Натижада сульфат кислота цехлари, янги Ванюков печи, кислород блокин, анод печлари, мисни электролиз қилиш цехлари қурилади.

Комбинатни ривожлантириш дастурига мувофиқ, 2023 йилга бориб, руда қазиб олиш ҳажми йиллик 40 миллион тоннадан 100 миллион тоннагача, мис ишлаб чиқариш миқдори 106 минг тоннадан 250 минг тоннагача, руҳ 68 минг тоннадан 120 минг тоннагача, аффинажланган олтин 14,6 тоннадан 30 тоннагача, аффинажланган қумуш 98,6 тоннадан 215 тоннагача оширилади.

Ишонч билан шуни таъкидлаш мумкинки, бой тажрибага эга фахрийлар, истеъдодли ёшлардан иборат кўп миллатли комбинат жамоаси ўз олдида қўйилган мақсад ва режаларни фахр билан адо этадилар.

